

Вексел

Вексел – бу вексел берувчининг ёки векселда курсатилган бошка туловчининг векселда кузда тутилган муддат келганда вексел эгасига маълум микдордаги суммани тулаш хакидаги сузсиз мажбуриятини тасдиқловчи кимматли коғоздир.

Векселнинг бошка қарз мажбуриятлардан фарқи:

- вексел утказма ёзув буйича қулдан-қулга утказилиши мумкин
- векселда иштирок этувчи шахслар вексел буйича биргаликда жавобгарликка эга (қайтмаслик ёзувини қайд этувчи шахслар бундан мустасно)
- имзоларга гувоҳлик бериш учун нотариал идорага келиш талаб этилмайди
- вексел белгиланган муддатда туланмаган ҳолларда нотариал норозилигини қузгатиш зарур

Индоссамент – вексел буйича хукукларнинг бошка шахсга утказилганлигини тасдикловчи утказма ёзув.

Индоссамент векселнинг орка томонида ёки кушимча варакка (аллонж)га куйилади.

Индоссаментни бажарган шахс *индоссант*, вексел утказилаётган шахс эса *индоссат* деб номланади.

Утказма ёзувлар куйидаги куринишга эга булиши мумкин: «буйрук буйича туланг» ёки «бизнинг урнимизга туланг».

Индоссамент куйидаги турларда булиши мумкин:

- *эгасининг номи ёзилган индоссамент* - векселнинг янги эгасини белгилаб беради, векселнинг бундан кейинги утказилиши учун унинг имзоси зарур.

- *кайтарилмайдиган индоссамент* - вексел эгаси (индоссант) векселни утказиш чогида утказма ёзувда «менга кайтарилмасин», деган иборани киритиши ва бу билан туланмаган ҳамда туланмаганлик норозилиги (эътирозини) билдирилган вексел буйича жавобгарликни узидан сокит килиши мумкин, кейинги индоссантларга бундай хукук берилмайди (векселни ишончлилигига шубха тугдириши мумкин).

Хар бир индоссант вексел берувчи ва туловчи билан биргаликда жавобгарликка эгадир.

Амалдаги конунчиликка кура:

- Векселлар мажбурий тарзда хизмат курсатувчи банклар томонидан авалланган холда корхона ва ташкилотлар томонидан аник савдо битими асосида ёзилиши мумкин.
- Вексел исталган суммага 3 ой муддатгача, истисно холларда эса 6 ойгача ёзилиши мумкин.
- Вексел «белгиланган кунга», «тузилган кундан кандайдир вақтга» ва «такдим этилгандан кейин маълум вақтга» берилиши мумкин. Агар муддат курсатилмаган булса у такдим этилганда туланиши мумкин.

Векселлар икки турга булинади:

Оддий вексел (соло вексел) – бу карздорнинг (вексел берувчининг) муайян пул суммасини курсатилган муддатда кредиторга (биринчи олувчисига) тулаш мажбуриятини ифодаловчи хужжат.

Утказма вексел (тратта) – бу вексел берувчи–кредитор (трассант)нинг карздор (трассат)га маълум пул суммасини курсатилган муддатда учинчи шахс-биринчи олувчи(ремитент)га тулаши буйругини ифодаловчи хужжатдир.

Вексел *мажбурий реквизитларга* эга булиши лозим, улардан ҳеч булмаганда биттасининг йуклиги векселни хакикий булмаслилига олиб келади.

Оддий вексел

Оддий векселнинг мажбурий реквизитлари:

- кимматли когознинг номи
- муайян суммани тулаш хакида оддий ва хеч нарса билан шартланмаган ваъда.
- тулов муддати.
- тулов жойи.
- тулов кимга ёки кимнинг буйруги билан бажарилиши лозим.
- векселни тузиш санаси ва жойи
- хужжатни берган шахснинг имзоси.

Оддий векселда бошдан бошлаб икки шахс катнашади:

вексел берувчи – вексел буйича тулаш мажбуриятини тугридан-тугри ва сузсиз уз зиммасига олади;

дастлабки сотиб олувчи (вексел эгаси) – вексел буйича туловни олиш ҳукукига эга.

Утказма вексел

Оддий векселдан фаркли уларок, утказма векселда дастлаб иккита эмас, балки учта шахс катнашади:

- вексел берувчи (*трассант*)
- вексел билан бирга у буйича туловни талаб килиш хукукини олувчи дастлабки харидор – вексел эгаси (*ремитент*)
- туловчи (*трассат*), унга вексел эгаси туловни амалга оширишни таклиф этади (бу «туланг» деган суз билан ифодаланади).

Утказма векселни бериш факат агар трассант трассатда уз ихтиёрида трассировка килинаётган (берилаётган) вексел суммасидан кам булмаган кимматликка эга булган вазиятда мумкин булади.

Утказма векселнинг мажбурий реквизитлари:

- кимматли когознинг номи
- муайян суммани тулаш хакида оддий ва ҳеч нарса билан шартланмаган таклиф
- туловчининг номи
- тулов муддати
- тулов жойи
- тулов кимга ёки кимнинг буйруги билан бажарилиши лозим.
- векселни тузиш санаси ва жойи
- хужжатни берган шахснинг имзоси

Утказма вексел буйича мажбурият трассат (туловчи) учун факат у векселни *акцептлаган вақтдан бошлаб* пайдо булади. Акс холда трассат – бегона шахс булиб қолади.

Утказма векселлар *акцепти* – бу мазкур вексел буйича ҳақ тулаш учун туловчининг розилик беришидир.

Трассат векселни акцептлаганидан сунг оддий векселда вексел берувчи холатини эгаллайди.

- вексел акцептга исталган вақтда, вексел берилган кундан бошлаб то тулов муддати бошланадиган вақтгача такдим этилиши мумкин.
- вексел буйича пулларни олувчилар олдиндан, тулов муддати келгунига кадар, векселни трассатга уни акцептлаш таклифи билан такдим этиши мумкин – туловчининг векселни тулашга булган муносабатини аниклаш учун.
- акцепт векселнинг устки томони чап кисмида «акцептланган», «кабул килинди» ёки «тулайман» сузлари билан ифодаланади.

Вексел норозилиги (эътирози)

- Тулов муддати келиб, вексел такдим этилган вақтда вексел берувчи ёки туловчи унда курсатилган суммани вексел эгасига тулашга мажбур.
- Агар вексел буйича тулов уз вақтида амалга оширилмаса (туловчи уни акцептламаса), вексел эгаси вексел сундирилиши лозим булган кундан кейинги 2 иш куни ичида туланмаганлик хақида катъий норозиликни (эътирозни) расмийлаштириши керак.
- **Вексел норозилиги** деганда, туловни бажаришни ва уни олишни расман тасдиқланган талаби тушунилади.
- Вексел эгаси туловчи векселларни акцептланмаганлиги хақида норозиликни билдириши учун туловчи жойлашган жойдаги нотариал идорага ушбу норозиликни такдим этиши керак.

Вексел буйича даъво

- Вексел норозилиги расмийлаштирилганидан сунг вексел эгаси вексел берувчи ва индоссантларга нисбатан даъво килиши мумкин (вексел берган ва индоссировка килган барча шахслар векселнинг эгаси олдида биргаликда тулов мажбуриятига эга).
- Туланмаганлик ёки акцептланмаганлик хакида норозилик билдирганидан кейин 4 иш куни ичида вексел эгаси бу хакида узининг индоссанти ва вексел берувчисини хабардор килиши шарт. Хар бир кейинги индоссант у хабарномани олган кундан 2 иш кунида узидан аввалги индоссантга бу хакида хабар беради.
- Вексел эгаси векселни индоссировка килган (векселга имзо чеккан) барча шахслар ёки уларнинг хар бирига алохида, уларнинг бир-бирига векселни кандай кетма-кетликда утказганликларидан катъи назар, даъво килиш хукукига эга булади. Вексел буйича туловни амалга оширган шахс хам ундан олдинги индоссантларга бундай даъво килиш хукукига эга булади.

Вексел эгаси вексел буйича даъво килинган шахсдан куйидагиларни талаб килиши мумкин:

- векселнинг туланмаган суммасини ва фоизларни, агар улар шартланган булса;
- тулов муддати келган кундан бошлаб Марказий банк хисоб ставкаси микдоридаги фоизларни;
- даъво килиш буйича харажатларни (хабарнома жунатиш ва б.);
- тулов муддати келган кундан бошлаб Марказий банк хисоб ставкасининг ярмиси микдоридаги пеняни.

Амалдаги конунчиликка биноан:

- Корхона ва ташкилотларнинг векселлари мажбурий тарзда банк томонидан авалланган булиши керак.
Аваль - бу вексел ишонч хати булиб, унинг ёрдамида вексел буйича тулов тулик ёки вексел суммасининг бир қисми туланиши кафолатланади.
- Аваль банк томонидан фақат корхонанинг ликвидли активларининг гаровга қуйилиши остида расмийлаштирилиши мумкин.
- Векселларни траст бошқарувига топшириш, шунингдек, векселлар билан кредитлар берилиши тақикланади.
- **Бюджет олдида боқимандаликка эга булган вексел эгалари булмиш корхона ва ташкилотлар ушбу ойда қоплаш муддати келган векселлар билан товарлар (ишлар, хизматлар) нархини тулаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.**
- Тижорат банклар вексел берувчи корхоналар учун махсус ҳисоб-ракамлар очишлари зарур. Ушбу ҳисоб-ракамларда векселларни сундириш вақтида банклар вексел берувчиларнинг керакли микдордаги пул маблағларини захирада ушлаб туриши зарур.